2009 йил Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

ISSN 2010-7021

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2009 YIL 25 SENTYABR, JUMA, 113 (7574) - son

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.



Наманган тумани ҳудудида фаолият кўрсатаётган "Нестле-Ўзбекистон" қўшма корхонасида айни кунларда 320 нафардан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Қўшма корхонада ишлаб чиқарилаётган ичимлик суви ва сут маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёж йилдан-йилга ортиб бормоқда. 2



Молия муассасаси томонидан йўналтирилган сармояларни таҳлил қиладиган бўлсак, улар янгидан-янги иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, аҳолига қулайлик яратиш, бир сўз билан айтганда аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилганлигини кўрамиз. 3



Соврин жамғармаси 220 000 АҚШ долларини ташкил қилувчи нуфузли Tashkent Open халқаро турнирида чорак финалга чиқиш учун бўлиб ўтган ўйинлар якунига етди. 4

саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда

## ЯНГИ БИНОДА "ICT EXPO-2009" КЎРГАЗМАСИ



Арслон КАННАЗАРОВ (ЎзА) олган сурат.

**Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида Тошкент ва Нукус шаҳарларида "ICTExpo – 2009" кўргазмаси давом этмоқда. Мамлакатимизда олий таълим соҳасини ривожлантириш, уларнинг моддий-техник базаларини яхшилашга катта эътибор берилмоқда. Илгари Қорақалпоғистонда иккита олий ўқув юрти фаолият олиб борган бўлса, Мустақиллик йилларида уларнинг сони 6 тага етди.**

Тошкент давлат аграр университети, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда Ўзбекистон давлат санъат институти филиаллари очилиб, уларда минглаб қорақалпоқ ёшлари таълим-тарбия олмоқда.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Нукус филиалида айни кунларда 4 бакалавриат йўналиши бўйича 364 нафар талаба таълим олмоқда. Ўтган йили "Бектемир темир маҳсулотлари" Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси томонидан бошлаб юборилган филиал биносининг қурилиш ишлари битказилиб, фойдаланишга топширилди.

Янги қуриб битказилган мазкур бинода "ICT Expo-2009" информацион технологиялари миллий кўргазмасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари ҳамда Тошкент ахборот технологиялар университетининг ректори сўзга чиқиб, иштирокчиларни филиалнинг янги биносини фойдаланишга топширилиши ва кўргазманинг очилиши билан қутлади.

Кўргазмада маҳаллий корхоналар ҳамда чет эл компаниялари замонавий ахборот технология маҳсулотлари ва хизмат турлари билан иштирок этмоқдалар.

Кўргазма уч кун давом этади.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

*Қорақалпоғистон Республикаси*

**Уй-жой бу инсоният ҳаётининг энг бирламчи эҳтиёжларидан бири. Айниқса, юртдошларимиз, хусусан, қишлоқларимиз аҳолиси ҳаёт тарзига назар солсак, бу эҳтиёжнинг нақадар муҳимлигини ҳис қиласан киши. Бугунги кунга келиб эса бу эҳтиёж талаблари уй-жойнинг нафақат мавжудлиги, балки унинг сифати, замонавийлиги, қулайлиги, чидамлилиги, ҳудуд табиий иқлимига мослиги, табиат инжиқликларига бардошлилигига, ундаги шарт-шароитлар каби томонлари билан аҳамиятлидир. Зотан, кишиларимиз онги, шуури ўзгарган, иссиқдан, совуқдан сақласа бўлди, деган тушунчалар кун сайин ортда қолмоқда.**

## ҚИШЛОҚДА КЎРКАМ УЙ-ЖОЙ ҚУРИШ НИМАДАН БОШЛАНАДИ?

Мамлакатимиз Президентининг "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори, айниқса, шу қарор ижросига қаратилган, шахсан юртбошимизнинг ташаббуси билан ташкил этилган қишлоқ аҳолиси учун якка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўргазмаси бу йўлнинг йўлчи юлдузи бўлди. Биз банклар масъулларининг бу борадаги вазифаларига ойдинлик киритди.



Маълумки, Юртбошимизнинг тегишли қарорига мувофиқ, қишлоқ қиёфасини ва қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитини сифат жиҳатдан яхшилаш, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, уй-жой қурилишида узоқ муддатли имтиёзли кредитлаш тизимини кенг жорий этиш мақсадида "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки ташкил этилди. Банкимиз томонидан аҳолига намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш учун имтиёзли асосда узоқ муддатли кредит бериш тартиби жорий этилган. Кўргазма давомида унга ташриф буюрган юртдошларимизга бу борада батафсил маълумотлар бердик.

Уй-жой қурилиши учун кредит олмоқчи бўлган юртдошларимиз "Қишлоққурилишлойиҳа" бош лойиҳа-қидирув институти томонидан тайёрланган уй-жойларнинг намунавий лойиҳаларидан бирини танлагач, лойиҳа-смета ҳужжатлари билан "Қишлоқ қурилиш банк" ва "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компаниясининг ҳудудий филиалларига мурожаат этадилар. Бу ерда улар кредит олиш учун зарур бўладиган ҳужжатлар билан таништирилади. Банк кредит бериш масаласида ижобий қарор қабул қилгач, энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 бараваригача бўлган миқдорда, йилига 7 фоизлик, 15 йил муддатгача кредит ажратилади. "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси билан буюртмачи вазифасини бажариш учун шартнома тузилади. Инжиниринг компанияси фуқаролар билан тузилган мазкур шартномалар асосида пудрат ташкилотлари орасида қурилишни тайёр ҳолда топшириш шарти асосида қуриш учун танлов эълон қилади. Танловда ғолиб чиққан пудрат ташкилоти уйни қуриш ҳуқуқига эга бўлади. Қурилишнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши инжиниринг компанияси томонидан доимий равишда назорат қилиб борилади. Уй қуриб битказилгач, малакали мутахассислардан иборат комиссия томонидан қабул қилиб олинади. Кредит ажратиш жараёнида уй-жой ва ер участкаси туман ҳокимининг қарори билан фуқарога кимошди савдосисиз умрбод фойдаланишга берилади.

Фуқароларимизнинг ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг кредитни қайтаришга йўналтирилган қисми даромад солиғидан озод этилади.

**Жасурбек ҚАМБАРОВ,**
**"Қишлоқ қурилиш банк" бошқарма бошлиғи.**

### Куннинг муҳим воқеалари

**Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасида корхоналарда сифатни бошқариш тизимини жорий этишда бошқарув органларининг ўрнига бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди.**

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "Мутолаа байрами – 2009" мавзуидаги маърифий ҳафталик бошланди. Ҳар йили 1 октябрь – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни арафасида ўтказиладиган ушбу тадбирнинг очилишида педагоглар, олимлар, кутубхоначилар, талаба-ёшлар иштирок этди.

**Самарқанд тумани Қайнама қишлоғида 26-болалар мусиқа ва санъат мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди.**

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси Наманган вилоятида ижодий сафарда бўлиб, санъат ихлосмандларини янги томошалар билан хушнуд этди.

**Урганч давлат университети спорт мажмуасида Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг Хоразм вилояти кенгаши томонидан фахрийлар спартакиадаси ўтказилди.**

ҒАЛЛАЧИЛИК:

## ЭРТА ЭКИБ, ЭРТА ТУПЛАТГАН ЮТАДИ

Яқинда Ховос тумани "Янгиер" сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ҳудудидаги "Тўйчибек Мўминов" фермер хўжалиги даласида ғалла экиш бўйича амалий семинар ўтказилди.

Унда вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, МТПлар, туман ҳокимликларининг қишлоқ хўжалигига алоқадор мутасаддилари, фермерлар ҳамда тегишли ташкилот ва идоралар вакиллари иштирок этишди.

Семинар давомида ғаллани далага экиш ҳамда тегишли агротехник ишларга риоя қилиш бўйича амалий кўрсатмалар берилди. Ҳар бир мутасадди ташкилотнинг ғалла экишда бажарилиши лозим бўлган ишлари тушунтирилди. Бу йил вилоятда 89 минг гектар майдонга ғалла экилиб, 175 минг тонна сара дон ҳосили етиштирилди. Айни дамларда вилоятда ғалла экиш уюшқоқлик билан олиб борилиши ва қисқа муддатда ўтказилиши учун дастурлар тасдиқланиб, амалий ишлар олиб борилмоқда.

Уруғлик, ёнилғи-мойлаш материалларини ўз вақтида тегишли тартибда етказиш учун тадбирлар режаси белгиланган. Кузнинг қуёшли кунларида ғаллани эрта экиб, яхши тупланишига эришилса, ҳосил мўл бўлишига замин яратилади.

**Қаҳрамон ҚУННОЗОВ**

*Сирдарё вилояти*

## ЯНГИ КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

**Наманган шаҳрида автомобиль чироқлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "UzChasys" Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси иш бошлади. Корхонанинг очилиш маросимида тегишли вазирлик, корхона ва ташкилотлар вакиллари, соҳа мутахассислари, хорижлик ҳамкорлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, хусусан, хорижий сармоядорлар учун яратилаётган қулай инвестицион муҳит мамлакатимизда қўшма корхоналар сафи кенгайиб, экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш, саноатни маҳаллийлаштириш, янги иш ўринлари яратишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур қўшма корхонанинг ташкил этилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 14 августда қабул қилинган "Наманган вилоятини 2009-2012 йилларда индустриал ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизациялаштириш Дастури тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш, мамлакатимиз автомобилсозлик саноатини юксалтиришда муҳим қадам бўлди.

Марказий Осиёда ягона бўлган бу корхона юқори аниқликда полимер қуйиш, ультрабинафша нурлари билан ишлов бериш, вакуум шароитида алюминлаш ишларини бажарадиган илғор технологик линиялар билан жиҳозланган.

— Қўшма корхонада "GM Uzbekistan" заводида ишлаб чиқарилаётган автомобиллар учун ўн саккиз хил ёритиш тизими деталлари тайёрланади, — дейди қўшма корхона бош директори Улуғбек Каримов. — Бу ерда жорий этилган янги технологиянинг яна бир афзаллиги шундаки, янги русумдаги автомобиль ишлаб чиқариш ёки дизайнни ўзгартиришга қарор қилинса, дастгоҳларни қисқа муддатда янги маҳсулотга мослаштириш мумкин.

Корхона йилига 250 минг комплект фара ва чироқлар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, бу "GM Uzbekistan" қўшма корхонаси, мамлакатимиз ҳамда МДҲ ҳудудидаги автомобилларга хизмат кўрсатиш бозори эҳтиёжларини тўла қондиради.

"UzChasys" қўшма корхонасининг биринчи босқичи ишга тушиши билан 200 иш ўрни яратилди. Уларга касб сирларини ўзлаштиришда кореялик мутахассислар билан ёнма-ён мазкур давлатда малака ошириб келган маҳаллий усталар ёрдам бермоқда. Корхона тўла қувват билан ишга тушгач, йилига 40 миллион АҚШ доллари миқдоридаги импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Бундан ташқари, "Chasys Co.Ltd" билан ҳамкорлик доирасида автомобиллар шассиси ва домкрат ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳам режалаштирилмоқда. Шунингдек, вилоятнинг бошқа корхоналарида штампланган компонентлар, фильтр ва қуёш нуридан ҳимояловчи соябонлар тайёрлашни йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Тадбирда Наманган вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Б.Юсупов иштирок этди.

**А.САТТОРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Наманган вилояти*

▼ ОБУНА - 2010



## АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

"Qishloq hayoti" ва унинг иловаси "Hayot" газеталарига 2010 йил учун обуна бошланди. Обуна газета таҳририяти ва обуна уюштирувчи ташкилотлар томонидан **нақд пул тўлови ёки пул ўтказиш** йўли билан ҳамда **пластик карточка** орқали амалга оширилади.

БИЗНИНГ НАШР ИНДЕКСЛАРИМИЗ:
"Qishloq hayoti" ва "Hayot" биргаликда — 144
"Hayot" — 145

Qishloq hayoti
Қишлоқ ҳаёти

**МУАССИСЛАР:**

*Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —*

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ергеодезкадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат", "Ўзагросуғурта", "Ўзвиносаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагромашсервис", "Ўзгўштсутсаноат" уюшмалари, "Агробанк", "Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад аҳоли фаровонлиги ва юрт ободлигидир. Жорий йилнинг Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб номланиши ва шу асосда Юртбошимиз томонидан қабул қилинган "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури амалий ишларнинг навбатдаги босқичи бўлди. Хайрли ишларнинг амалга оширилиши, яъни дастур ижроси бизнинг ҳам зиммамизга масъулиятли вазифаларни қўйди. "Микрокредитбанк" ОАТБнинг Қашқадарё вилояти филиали жамоаси ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда иш ташкил қилмоқда, сармоялар йўналтирмоқда, тараққиётга хизмат қилажак лойиҳаларни қўллаб-қувватлаётир.**

MIKROKREDITBANK

# Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги учун банк сармоялари

Банкнинг 9 та филиали ва 39 та минибанки орқали мижозларга сифатли ва намунали хизмат кўрсатиб келинмоқда. Ўтган даврда 2078 та мижозга 18 миллиард 264 миллион сўмдан зиёд микрокредит ва микролизинглар ажратилди. Йўналтирилган сармояларни таҳлил қиладиган бўлсак, улар янгидан-янги иш ўринлари яра-



тиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, аҳолига қулайлик яратиш, бир сўз билан айтганда аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилганлигини кўрамиз.

Йил дастурида 2009-2015 йилларда аҳоли сони 500 дан зиёд ҳар бир қишлоқда минибанклар фаолият кўрсатишини таъминлаш белгилаб берилган. Вилоят филиалимиз томонидан жорий йилнинг ўтган вақтида Косон туманида 2 та минибанк, Касби, Яккабоғ ва Миришкор туманларида 3 та агентлик ташкил этилди. Йил охиригача эса Яккабоғ туманида банкнинг янги филиали иш бошлайди. Бу билан биз хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, чекка-чекка қишлоқларгача кириб бориш имконига эга бўламиз.

Аҳоли турмуш даражасини ошириш ҳақида сўз кетар экан, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимиз раҳнамолигида бу борада олиб борилаётган ишларда банклар сармояси муҳим аҳамият касб этади. Шу боис "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида қишлоқда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга қаратилган вазифаларда молия муассасаларининг иштироки алоҳида қайд этилган. Ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда банкимиз ўтган давр мобайнида шу соҳага 629 миллион сўмлик кредитлар ажратди. Сармоялар иштирокида 27 та савдо, 9 та умумий овқатланиш ҳамда 29 та маиший хизмат кўрсатиш объекти ишга тушди. Натижада 800 га яқин янги ишчи ўрни яратилди.

Жорий йилда қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш мақсадида олиб борилаётган ишлар натижасида бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари кўлами янада кенгайди. Банкимиз ана шундай мақсадларни молиялаштиришга алоҳида эътибор билан ёндашаётир. Ўтган даврда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ажратилган кредитлар 128 миллион сўмни ташкил этди. Шунингдек, қурилиш материалларини мақбул нархларда сотадиган фирма дўконларини ташкил этишга 54 миллион сўм маблағ ажратилди. Натижада 40 дан зиёд ишчи ўрни яратилди. Яккабоғ туманидаги "Яккабоғ термопласт" ишлаб чиқариш корхонаси банкдан микролизинг олиб, қумли черепица ишлаб чиқаришни йўлга қўйган бўлса, Китоб туманидаги "Шахина Дурдонаси" хусусий фирмаси эса тошни қайта ишлашни йўлга қўйган. 56 миллион сўмлик сармояга олиб келинган тошни қайта ишлаш ускунаси янги иш ўринлари ташкил этиб, аҳоли фаровонлиги ошишига ҳам хизмат қилмоқда.

Қамаши туманидаги "Зафар Диёр" масъулияти чекланган жамияти ҳам банкнинг 50 миллион сўмлик кредити эвазига фаолият бошлаганди. Айни пайтда корхонада кунига 30-35 минг дона пишиқ ғишт ишлаб чиқарилиб, харидорларга етказиб берилмоқда. Тадбиркор Файзулло Бобомуродов эса банкдан олган 6,2 миллион сўмлик микрокредит ҳисобига "Фаррух Файз Дил" хусусий фирмасини ташкил этди. Банк сармояси қишлоқларимиз ободлигини таъминлаш учун хизмат қилишда давом этаётир.

Молия муассасамиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида етакчи куч бўлган фермерлар фаолиятини ривожлантиришга, уларга молиявий кўмак беришга муҳим вазифалардан бири сифатида қарайди. Банк мижозларининг асосий қисми ҳам фермер ва деҳқон хўжаликларидир. Маълумки, қишлоқ мулкдорининг моддий техника базаси мустаҳкам бўлса ишлаб чиқаришда ўсиш тезлашади. Шу тамойилдан келиб чиққан ҳолда фермерларни қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминлашга кўмак бериш муҳим вазифалар сирасига киради. Жорий йилда банк томонидан ажратилган кредит эвазига 2 дона, лизинг эвазига эса 55 дона қишлоқ хўжалик техникаси сотиб олинди.

Йил дастурида белгилаб берилган қишлоқда саноат ишлаб чиқаришини янада жадаллаштириш, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналарни ташкил этиш борасидаги вазифалар ижросига жамоамиз алоҳида эътибор қаратмоқда. Ана шу мақсаддаги лойиҳалар сармоялаштирилаётир. Жорий йилда бўлиб ўтган минитехнологиялар кўргазма савдосида тузилган шартномаларни молиялаштириш учун 606 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, қадоқлашга ихтисослашган корхоналарни модернизация қилиш учун эса 68,7 миллион сўм ажратилди. Қайта ишлашни ташкил этиш, уни ривожлантириш, шу мақсадда ихчам, замонавий технологияни жорий қилиш бугунги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ниҳоятда муҳимдир. Серқуёш заминимизда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларига дунёда талаб катта. Уни қайта ишлаш хомашёга нисбатан бир неча баравар кўп даромад беради ҳамда экспорт имкониятини кенгайтиради. Шу боис ҳам мамлакатимизда қайта ишлашни жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Банк эса мақсадни молиялаштиришда ўзининг муносиб улушини қўшмоқда. Банкимиз томонидан шу мақсадда йўналтирилган сармоялар таҳлилига эътибор қаратсангиз ҳам бунинг исботини топасиз. Жумладан, иссиқхоналар ташкил этиш учун 110 миллион сўм, паррандачилик учун 140 миллион, асаларичилик учун 157 миллион, чорвачилик



учун 3 миллиард 141 миллион сўмлик кредит ва лизинглар ажратилди.

Китоб туманидаги "Китоб оқила сут" хусусий корхонаси банкимизнинг 24 миллион сўмлик лизинги асосида иш бошлаганди. Ўтган вақт ичида корхона ўз ўрнини топиб улгурди. Бугунги кунда корхона ёрлиғи остида ишлаб чиқарилаётган сут ва сут маҳсулотлари харидоргир бўлиб бормоқда. Бир кеча-кундузда 2,5 тонна сутни қайта ишлаш имконига эга бўлган корхонада 15 киши иш билан таъминланган.

Қамаши тумани Гулшан қишлоғидаги "Абдираҳимов Бобуржон" фермер хўжалиги эса балиқчиликни ривожлантириш учун 14 миллион сўм кредит олганди. Фермер Ғанижон Ҳайдаров айни пайтда сармояга олиб келинган чавоқ балиқларини парваришлаяпти. Демакки, унинг саъй-ҳаракатлари билан бозорларда балиқ маҳсулотлари кўпайишига эришилади.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2009 йил 28 январдаги "Мамлакатимизда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларини бажарилишига алоҳида эътибор қаратилаётир. Вилоят ички бозорларини маҳсулотлар билан тўлиқ таъминлаш, экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида сармоялар йўналтирилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мижозлар манфаати бизнинг фаолиятимизда асосий тамойил ҳисобланади. Тараққиёт ва фаровонлик учун хизмат қиладиган лойиҳаларни қўллаб қувватлашда давом этамиз. Йил дастури бўйича эса қиладиган ишларимиз кўп. Юрт ободлиги, мамлакат келажаги қишлоқ билан узвий боғлиқ экан, биз ҳам шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда асосий эътиборни қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигига қаратаверамиз. Зеро, барчамизни бирлаштирган эзгу мақсад – озод ва обод Ватанда фаровон яшаш учун камарбастамиз.

**Қаҳрамон ЭШБОЕВ,
"Микрокредитбанк" ОАТБ
Қашқадарё филиали раҳбари.**

*Божхона хабарлари*

# БОЗОРНИ ҚОНУНБУЗАР БУЗАР

## Ёки қовунчилик ҳам қонунчиликдан ташқарида эмас

**Минг бир заҳмат билан етиштирилаётган ҳар бир қишлоқ хўжалиги маҳсулоти шу замин фарзандларининг – халқимизнинг ризқи. Халқнинг ризқига хиёнат қилиш эса, шубҳасиз, гуноҳ саналади. Аммо буни била туриб юртдошларимиз насибасини ноқонуний тарзда четга олиб чиқишга уринаётган "тадбиркор"ларнинг борлиги ачинарлидир. Республикамиз божхоначилари томонидан эса уларнинг қинғир ҳаракатларига ўз вақтида чек қўйилмоқда.**

Тилими тилни ёрадиган қовунларимизнинг овозаси хорижга ҳам етган. Бундан фойдаланиб, наманганлик Ш. Юсуфбеков эгри йўллар билан мўмай даромад орттириб олишга уринган экан. Учқўрғон туманининг чегарадош ҳудудларидан бирида божхоначилар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда "Камаз" юк автомашинаси тўхтатиб текширилганда ушбу фуқарога тегишли 8 тонна қовун қўшни республикага олиб чиқишга ҳозирлаб қўйилганлиги аён бўлди.

Ҳамкорликдаги тадбирлар давомида айни шу ҳудудда тағин 2 та қонунбузарлик ҳолати қайд этилган. Божхона кўригидан ўтказилган 2 та "Камаз" юк автоуловларининг ҳар бирига 9 тоннадан қовун ортилган экан. Аммо юк эгалари андижонлик А. Ғофуров ва наманганлик Б. Муродовлар қўшни давлатга олиб кетилаётган 7 минг донадан ортиқ ушбу қовунларга тегишли биронта ҳам ҳужжатни ҳуқуқ ҳимоячиларига тақдим қила олишмади.

Сирдарёлик божхоначилар йирик миқдордаги маҳсулотларнинг талон-тарож этилишига чек қўйишди. Қўшни давлатга олиб чиқиш мақсадида салкам 11 тонна қовун юкланган "Камаз" Мирзаобод туманининг чегарадош ҳудудлари томон ҳаракатланаётган пайтда тўхтатиб қолинди. Юк эгаси О. Юлдашев қарийб 2 млн. сўмлик қовунни ҳеч қандай ҳужжатларсиз юртимиздан олиб чиқишга уринган экан.

Шунингдек, вилоят божхоначилари тегишли ҳужжатларсиз салкам 21 тонна қовун олиб кетаётган оққўрғонлик "тадбиркор" К. Йўлдошевнинг ҳам ноқонуний фаолиятига чек қўйишди. Натижада, қиймати салкам 4 млн. сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари элимиз дастурхонига қайтарилди.

# АТИР-УПАНГИЗНИНГ ҲУЖЖАТИ ҚАНИ?

**Табиатнинг энг гўзал ҳилқати бўлмиш хотин-қизлар янада чиройли ва зебо кўриниш учун турли хил парфюмерия воситаларидан фойдаланишади. Шундай экан бу турдаги маҳсулотларга талаб катта. Бундан эса айрим кимсалар фойдаланиб қолишга уринишади.**

Андижонлик божхоначилар томонидан ана шундай сохта "тадбиркор"ларнинг фаолиятига ўз вақтида чек қўйилмоқда. Жалақудуқ туманининг чегарадош ҳудудларидаги айланма йўлда ҳаракатланаётган "Дамас" автомашинаси божхона назоратидан ўтказилганда, унда фуқаролар Ё. Шабдуллаева ва М. Тоиржоноваларга тегишли 10 минг донага яқин косметика ва парфюмерия маҳсулотлари ҳеч қандай ҳужжатларсиз олиб кетилаётгани маълум бўлди. Қонунбузарлар қўшни давлатдан сотиб олинган салкам 10 млн. сўмлик ушбу товарларни аввалига яширин тарзда юртимизга пиёда олиб киришган, кейин эса автомашинага ортиб, манзилига йўл олишган экан.

Парфюмерия маҳсулотларининг контрабандасида баъзи эркаклар ҳам бу аёллардан қолишмас экан. Тошкент шаҳридаги омборхоналардан бирини амалдаги қонунчиликка биноан кўздан кечирган божхоначилар йирик миқдордаги ана шундай маҳсулотларнинг ноқонуний сақланаётганини фош этишди. Фуқаро А. Турагелдиевга тегишли мазкур омборга 16 минг донага яқин турли пардоз-андоз воситалари яширилган экан. Божхона расмийлаштирувини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган ушбу товарларнинг қиймати 25 000 000 сўмни ташкил қилди. Сирдарё вилояти божхоначилари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбир давомида фуқаро А.Абдурахимовнинг хонадони қонунчиликда белгиланган тартибда кўздан кечирилди. Натижада, бу ерда қарийб 100 турдаги 6 минг донага яқин атир-упалар яширинча сақланаётганлиги аниқланди. Уларнинг умумий қиймати 30 миллион сўмдан ортиқ экан.

**Давлат божхона қўмитаси
Матбуот хизмати**

Qishloq Qurilish Bank

ЭНГ ЯХШИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАСИ УЧУН
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

**Банк Инвестиция дастури доирасида тадбиркорлик субъектлари орасида юқори самарадорли ва рентабелли инвестицион лойиҳаларни имтиёзли равишда молиялаш мақсадида танлов эълон қилади.**

**АСОСИЙ ШАРТЛАР ВА ТАЛАБЛАР**

**1.** Лойиҳа қиймати – камида 150 млн.сўм ёки 100 минг АҚШ доллари миқдорида;

**2.** Лойиҳани амалга ошириш муддати – лойиҳанинг ўз-ўзини қоплаш муддатидан келиб чиққан ҳолда, максимал муддати 5 йилдан ортиқ бўлмаслиги лозим;

**3.** Лойиҳа ташаббускори лойиҳа қийматининг камида 25 фоизи миқдорида ўз маблағлари билан иштирок этиши лозим;

**4.** Таъминотнинг умумий қиймати инвестицион кредит маблағининг 125 фоизидан кам бўлмаслиги керак;

**5.** Лойиҳа рентабеллиги, юқори самарадорли, шу жумладан янги ишлаб чиқариш технологияларига асосланган ва янги ишчи ўринлари яратишга йўналтирилган бўлиши ёки мавжуд бўлган ишлаб чиқариш корхоналарини техник жиҳатдан қайта жиҳозланишига йўналтирилган бўлиши лозим;

**6.** Экспортга йўналтирилган ва миллий бозорда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган лойиҳалар устуворликка эга бўлади;

**7.** Лойиҳа иқтисодиётнинг қуйидаги тармоқларида ишлаб чиқаришни (хизмат кўрсатишни) ривожлантириш учун йўналтирилган бўлиши лозим:

— нефть ва газ соҳаси;
— озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
— ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
— электро-техника ва юқори технологиялар соҳаси.

**ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ**

**1.** Танловда иштирок этиш учун ариза;

**2.** Корхона Низоми ва Таъсис шартномаси;

**3.** Корхонанинг ёки лойиҳа ташаббускорларининг охирги 3 йилик солиқ назорати томонидан тасдиқланган бухгалтерия ҳисоботи ва молиявий натижалар ҳақида ҳисобот, дебиторлик ва кредиторлик қарзи ҳақида маълумотнома;

**4.** Лойиҳанинг техник иқтисодий асосланиши (ТИА) ёки бизнес-режаси;

**5.** Таъминот тўғрисидаги батафсил маълумот.

Танловда лойиҳа нархи оптимал даражага келтирилганлиги асосий эътиборга олинади. Энг яхши тайёрланган 3 та лойиҳа имтиёзли равишда молиялаштирилади.

Танловда иштирок этиш учун аризалар 2009 йил 15 октябргача қуйидаги манзилда қабул қилинади: Ўзбекистон Республикаси, 100060, Тошкент шаҳри Шаҳрисабз кўчаси 36-уй.

Танлов бўйича ғолиблар танлов комиссияси томонидан аниқланади ва танлов ҳужжатлари қабул қилинган якуний кундан 1 ой ичида эълон қилинади.

*Мурожаат учун ахборот маркази телефонлари:*
(+99871)-236-16-17;
233-71-72, 233-90-43
E-mail info@qqb.uz;
www.qishloqqurilishbank.uz

Qishloq Qurilish Bank

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ
КОРХОНАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛМОҚДА

**"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида янги инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун танлов эълон қилади.**

Танловда қуйидаги мақсадларга йўналтирилган инвестицион лойиҳалар қабул қилинади: деворбоб материаллар, том ёпиш материаллари, биноларни ташқи ва ички кўринишини пардозловчи материаллар, замонавий ва экологик тоза маҳсулотлардан ишлаб чиқарилган эшик ва дераза, сантехника ва электржиҳоз маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи технологик ускуналарни харид қилиш.

**ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ УЧУН АСОСИЙ ШАРТЛАР ВА ТАЛАБЛАР:**

**1.** Лойиҳалар санитар-гигиеник, радиацион, экологик, архитектура-шаҳарсозлик қурилиши талаблари ва қонунчилик билан белгиланган бошқа талабларга жавоб бериши лозим;

**2.** Лойиҳадаги мижоз ва ташаббускорлар маблағлари улуши лойиҳа қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорида таъминланган бўлиши лозим;

**3.** Таъминотнинг умумий қиймати инвестицион кредит маблағининг 125 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

**ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ:**

**1.** Танловда иштирок этиш учун ариза;

**2.** Корхона Низоми ва Таъсис шартномаси;

**3.** Корхонанинг ёки лойиҳа ташаббускорларининг солиқ инспекцияси томонидан тасдиқланган бухгалтерия ҳисоботи ва молиявий натижалар ҳақида ҳисобот, дебиторлик ва кредиторлик қарзи ҳақида маълумотнома;

**4.** Лойиҳанинг техник иқтисодий асосланиши (ТИА) ёки бизнес-режаси;

**5.** Таъминот тўғрисидаги батафсил маълумот.

ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк" танловида лойиҳа нархи оптимал даражага келтирилганлиги асосий эътиборга олинади. Энг яхши тайёрланган 3 та лойиҳа имтиёзли равишда молиялаштирилади.

Танлов бўйича ғолиблар танлов комиссияси томонидан аниқланади ва танлов ҳужжатлари қабул қилинган якуний кундан 1 ой ичида эълон қилинади.

Танловда иштирок этиш учун аризалар 2009 йил 15 октябргача қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Ўзбекистон Республикаси, 100060, Тошкент шаҳри Шаҳрисабз кўчаси 36 уй.

*Ахборот маркази телефонлари:*
(+99871) 236-16-17;
233-71-72, 233-90-43
E-mail info@qqb.uz;
www.qishloqqurilishbank.uz

